ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ

# «ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»

*Халқаро илмий мақолалар тўплами*

# «МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»

*Сборник международных научных статей*

# «MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN IN THE WORLD CIVILIZATION»

Collection of international scientific articles

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ

# ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»

**Халқаро ажуман илмий мақолалар тўплами**

# «МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»

**Сборник международных научных статей**

# «MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN IN THE WORLD CIVILIZATION»

**Collection of international scientific articles**

ТОШКЕНТ
“SHAFOAT NUR FAYZ”
2024

УЎК 821. 512. 133-1
ББК 84(5Ў)-5
А 82

**Масъул муҳаррир:**
т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

**Тақризчилар:**
т.ф.д.доцент Т.Р.Пардаев,т.ф.д.доцент Ҳ.Холмўминов, т.ф.д.доцент М.Файзуллаева, т.ф.б.ф.д (PhJ) Ш.Абдулоев, т.ф.б.ф.д (PhJ) О.Дуланов, т.ф.б.ф.д (PhJ) И.Қаршиев, т.ф.б.ф.д (PhJ) Г.Ахмедова, т.ф.б.ф.д (PhJ) С.Раджабова, т.ф.б.ф.д (PhJ) И.Умаров, т.ф.б.ф.д (PhJ) М.Эргашев, т.ф.б.ф.д(PhJ) Ф.Холманова.

Котибият аъзолари:
ТерДУ ўқитувчилари, М.Раҳмонов, М.Раимов.

Тех котиба:
Қўшоқова Моҳигул Турсуновна

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги "Бойсун баҳори" фольклор фестивалини 2024 йил 1-7 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўгрисидаги №-59 рақамли баённомаси асосида Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш марказида 2024 йил 7-май куни «Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти» халқаро илмий анжумани Термиз шаҳрида ўтказилди.

На основании протокола № 59 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года фольклорный праздник «Бойсун баҳори» 1-7 мая 2024 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области, Сурхандарьинский центр науки и Развитие технологий 7 мая 2024 года в активистском зале города Термез прошла международная научная конференция «Бойсунский материал в мировой цивилизации и духовной культуре».

On the basis of the protocol No. 59 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2022 "Boysun bahori" folk festival on May 1-7, 2024 in Boysun district of Surkhandarya region, Surkhandarya Center for Science and Technology Development On May 7, 2024, an international scientific conference "Boysun material in world civilization and spiritual culture" was held in the activist hall of the city of Termez.

ISBN-978-9910-9483-4-3

© "Shafoat Nur Fayz", 2024.

2016 йил 14 октябрда Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан №-268п –сонли рўйхатдан ўтказилган Термиз давлат университети ҳузуридаги Нодавлат Нотижорат ташкилоти “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Марказн”инг асосий мақсади: Сурхондарё вилоятининг аниқ ва табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эришилаётган ютуқларини умумлаштириш, уларни мамлакатимизнинг тараққий этиши ва юксалишига йўналтириш, шунингдек, экологик муаммоларни ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш, халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятини ўрганиш, тиклаш ва янада бойитиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёшларнинг ушбу соҳалар билан боглиқ таълим ва тарбия борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни амалга ошириш, илмий журналлар ташкил этади. **Марказ ўз навбатида, фундаментал, амалий-техник, табиий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш асосида аниқ ва табиий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-техник соҳадаги фанларга оид мавзулар асосида монографиялар, рисолалар, буклетлар, халқаро ва республика миқиёсида илмий анжуманлар, илмий журналларда илмий-оммабоп мақолалар чоп этиш ва иқтидорли ёшларга кўмаклашиш ва илмий йўналишда меҳнат бандлиги масаласига амалий ёрдам беради.**

Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази 2016 йилдан бошлаб “Давр, замон, шахс” илмий мақолалар тўплами чоп этилади. Ушбу илмий тўпламга ЎзР ФАнинг илмий тадқиқот институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлари, академик лицей профессор-ўқитувчилари ва талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг Ўзбекистоннинг тарихи, илк давлатчилик босқичлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, фан ва техника тараққиёти, ёшлар сиёсатига багишланган илмий, илмий-услубий мақолалари киритилади. **«ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»** мавзусига оид халқаро анжуман илмий мақолалари Республиканинг ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эришилаётган ютуқларини умумлаштириш, уларни мамлакатимизнинг тараққий этиши ва юксалишига йўналтириш, шунингдек, экологик муаммоларни ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш, халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятини ўрганиш, тиклаш ва янада бойитиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёшларнинг ушбу соҳалар билан боглиқ таълим ва тарбия борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга тадқиқотларни натижаларни ўз ичига олади.

Ушбу илмий мақолалар тўпламга ЎзР ФАнинг илмий тадқиқот институтлари, Олий таълим, фвн ва инновация вазирлигининг олий ўқув юртлари, академик лицейларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари,

умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг Ўзбекистоннинг тарихи, илк давлатчилик босқичлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ҳаёти, археология ва этнография соҳаси, фан ва техника тараққиёти, ёшлар сиёсатига бағишланган илмий мақолалари киритилди.

Мазкур тўплам Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедрасининг 2024 йил 27 апрелдаги йиғилишида ҳамда "Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази"нинг 2024 йил 29 апрелдаги № 4-сонли йиғилишида ушбу халқаро тўплам муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди.

бу даражада зокир фано ҳолатига етади бу тариқатда энг сўнгги олий зикр ҳисобланади. Чунки тариқатда фано топмоқ ишнинг интиҳосидир.

Ҳожа шайх Муҳаммад Порсо ўзининг "Рисолаи қудсия" асрида солиҳларга зикр айтишни ўргатиш яъни "Талқини зикр" масаласини кўтарган. Унинг фикрича, "талқини зикр" бировнинг қўлига чақмоқтош бериш билан баробардир рушнолик ҳосил қилиш уни амалда ишга солиш толибга боғлиқ. "Талқини зикр"ни комил мукаммал пиридан таълим олиш керак. То таъсири билинсин ва натижаси ҳосил бўлсин. Ўқни султон ўқдонидан олмоқ керак, токи ҳимоя қилишга арзисин. Биз "талқини зикр"ни буруквор шайх Хожа Муҳаммад Бобои Самосийдан олганмиз" деб ёзганлар.[9:129]

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, тасаввуф таълимотида комил инсон концепциясининг асосини унинг руҳий камолоти воситаси бўлган тил илми ва дил илмининг чамбарчас боғлиқлигида намоён бўлишидир. Тил илми солиҳнинг зиҳирий илмларини такомиллаштирса, дил илми унинг ботиний илмини мукаммаллаштирган.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 6.
2.Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 13.
3.Имом Ғаззолий. Иҳё улм –ад-дин. 54-бет.
4.Шайх Нажмиддин Кубро ."Тасаввуфий ҳаёт". 169-бет.
5.Шайх Нажмиддин Кубро ."Тасаввуфий ҳаёт". 170-бет.Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. –Б. 13.
6.С.Каримов. Инсон қалбини покловчи таълимот. Монография. 141-бет.
7.Усмон Турар. "Тасаввуф тарихи". 43-бет.
8.Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. –Т.: Мовароуннаҳр. 2020. 35-бет.
9.Порсо. Рисолаи қудсия. 129-бет.

## ГЛОБАЛИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

**Ш.Б.Жумаева - т.ф.ф.д. (PhD), доцент в.б.,**
**ЧДПУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири**

Дунё миқёсида жадал суръатларда амалга ошаётган глобализацион жараёнлар инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Глобализацион жараёнлар нафақат иқтисодий жараёнларга балки маданий соҳада ҳам динамик ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Глобаллашув жараёниннинг хам ижобий хам салбий жихатлари мавжуд бўлиб, жамиятда иқтисодий, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш соҳаларида ривожланиш юз берсада, иккинчи томондан миллий маданият, ўзига хослик, мустақиллик ҳамда эркинлик каби туйғулар йўқолиб, унутила бошланди. Лекин, глобаллашув жараёнида зиёрат билан боғлиқ саёҳат географияси кенгайиб бормоқда.

Глобаллашувнинг деструктив оқибатлари – миллий чегаралар ва этномаданий ўзига хосликнинг "ўчирилиши", турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келувчи типик субмаданиятнинг кенг тарқалиши, шунингдек, глобал

транспорт туризм инфратузилмаларининг ривожланиши. Буларнинг барчаси минтақавий алоқаларнинг кенгайиши ва дунёнинг барча бурчакларига зиёрат қилиш имкониятини бериш билан бир қаторда, шахслараро мулоқотнинг табиатини тубдан ўзгартиради ҳамда замонавий зиёратчиларнинг руҳий ҳолатида яққол намоён бўлади. Зиёратга тижорат воситаси сифатида қараш оқибатида миллий маданият ва зиёратгоҳлар буюмга, зиёрат эса туризм бизнесининг йўналишларидан бирига айланади. Бошқа томондан, глобаллашув даврида янги авлоднинг маданиятни шакллантирувчи динларга бўлган қизиқишининг ортиши, шунингдек, цивилизацион, этник ва фуқаровий ўзликни англаш анъанасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда [1].

Умуман олганда, замонавий глобаллашув жараёнлари кучли кетаётган бугунги кунда зиёратгоҳлар қуйидаги функцияларни бажармоқда:

*1. **Бирлаштирувчи.*** Бунда анъанавий хўжалик тарзи билан шуғулланувчи ва умумий эътиқодга эга аҳоли ҳафтанинг маълум кунларида зиёратгоҳда йиғилиб, турли маросимларни бажаради. Зиёратчилар турли миллат, турли жинс ва турли ёш вакилларидан иборат бўлиб, улар зиёрат қилиш, ният ҳамда истакларига эришиш, дардларига шифо топиш каби зиёратгоҳ билан боғлиқ қарашлар, эътиқод ва ихлос бирлаштириб туради.

*2. **Медиаторлик.*** Қадимдан зиёратгоҳлар илоҳий қудрат манбаи ҳисобланиб, инсонлар ва Худо ўртасида алоқачилик вазифасини бажарувчи сифатида талқин қилинади. Жумладан, Ислом динида Макка шаҳридаги Каъбатуллоҳ Аллоҳга энг яқин жой ҳисобланади, масжидлар эса “транслятор” вазифасини бажаради. Шу сабабли, зиёратгоҳлар ҳудудидаги масжидлар қурилишига алоҳида эътибор берилади. Масжидда ўқилган дуо мустажоб бўлади, деган халқона қарашлар замирида зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар намоз ўқиб, ният қилишга алоҳида эътибор қаратадилар.

*3. **Коммуникатив.*** Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар диний билимларни ошириш ҳамда диний соҳага оид саволларига жавоб берадиган марказ вазифасини ҳам бажарган. Айниқса, аёлларнинг зиёратгоҳларга кўп ташриф буюришининг сабабларидан бири, аёллар ўз диний дунёқаришини ошириш учун ҳам ташриф буюриши билан боғлиқ. Аёллар ўзларини қийнаётган саволларга зиёратгоҳда фалият юритувчи шайх ва имомлардан жавоб олишга ҳаракат қилади. Зангиота зиёратгоҳида радиомикрофон орқали мунтазам диний мавзулардаги маърузаларнинг бериб борилиши зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини янада кучайтиради.

*4. **Даволовчи.*** Қадимдан инсонлар қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мазкур хусусиятидан кенг фойдаланиб келганлар. Булоқ суви, зиёратгоҳ тупроғи, тош, ғор ва дарахтларнинг шифобахшлигига ихлос билан қараб, турли маросимлар бажарилган. Қадамжо ва зиёратгоҳларга даво истаб борувчилар руҳан тайёргарлик кўриб келади. Бу эса ўз навбатида, инсон психологиясига таъсир кўрсатиб, инсонда ўзига хос ишончни ҳосил қилади. Ҳозирги кунга қадар бефарзандлик касалига даво истаб, зиёратгоҳларга келадиган зиёратчилар ташкил этади. Булоқ сувларини турли касалликларга шифо сифатида истеъмол қилиш анъанавий одатлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, зиёратгоҳлардаги ўзига хос биомайдон ҳам турли касалликларга даъво ҳисобланган. Оҳангарон туманидаги Парпи ота зиёратгоҳида ҳайвонларни

ҳам даволаш мақсадида олиб келинган.

***5. Ҳимоя қилувчи.*** Маҳаллий аҳоли орасида кенга тарқалган анъанага кўра, зиёратгоҳлар одамларни турли балою-офатлардан ҳимоя қилувчи, бошига иш тушганда ёрдам берувчи хусусиятга эга эканлигига ишонч кучли бўлиб, айниқса, авлиёлар билан боглиқ зиёратгоҳлар ушбу вазифани ҳам бажаради. Жумладан, авлиёлар қабри қўйилган мозорда қабр азоби енгил бўлади, деб қаралганлиги боис зиёратгоҳлар атрофида қабристонлар вужудга келган. Масалан, Зангиота ва Эрвалибобо зиёратгоҳлари ушбу жиҳатлари билан ҳам улугланган.

***6. Руҳий мадад, таскин берувчи*** – қадамжо ва зиёратгоҳлар бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, инсонлар икки ҳолат, яъни тушкунлик, бошига кулфат тушганда ҳамда хурсандчилик ва улкан ютуқларга эришган пайтда зиёратга бориши кузатилган. Глобаллашув жараёнларининг кучайиши ва ҳаётий жараёнларнинг тезлашиб бориши инсоннинг руҳий зўриқишига олиб келмоқди. Шаҳар шовқини, замонавий ахборот технологияларидан меъёридан ошиқ фойдаланиш, ақлий меҳнат кабилар инсонда кучли зўриқишлар вужудга келтирувчи асосий омиллар ҳисобланади. Ушбу руҳий ҳолат инсонда ёлгизлик ва сокинлик сари интилишни вужудга келтиради. Зиёратгоҳларда олиб борган тадқиқотлар натижасига кўра, зиёратчиларнинг 85 фоизи зиёратдан сўнг руҳий енгилликка эришганини таъкидладилар. "Хурсанд бўлсанг, бозорга, хафа бўлсанг, мозорга бор" мақолида ҳам мозорга бориш инсоннинг руҳий тушкунлик ҳолатига таскин бериши заминида пайдо бўлган.

***7. Табиий қўриқхона.*** Этноэкологик, айниқса, бугунги глобаллашув жараёнлари таъсири остида экологик муаммолар кучайиб бормоқда. Жумладан, урбанизациялашув оқибатида табиий ландшафтлар сони қисқариб бормоқда. Эндиликда зиёратгоҳлар ҳудуди табиий экотизим сақланиб қолган қўриқхона вазифасини бажармоқда. Айниқса, зиёратгоҳларга нисбатан асрлар давомида шаклланган ҳурмат натижасида бу ерларни пайҳон қилиш ва ўсимлик дунёсига зарар етказиш гуноҳ ҳисобланганлиги сабабли қадимий дарахтлар, ўзига хос ўсимлик дунёси, булоқ сувлари ҳамда муқаддас балиқлари зиёратгоҳларда яхши сақланиб қолган. Шу билан бирга, зиёратгоҳларда кенг миқёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам уларнинг табиий кўриниши, флора ва фаунасига зарар етказмасликка алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, Бўстонлиқ тумани Богистон қишлогида жойлашган Шайх Умар Вали зиёратгоҳида ҳам олиб борилаётган қурилиш ишларида минг йиллик арча дарахти сақлаб қолинди.

Глобаллашув жараёни кучли кечаётган бугунги кунда зиёрат ва туризм ўртасидаги фарқлар ҳам қисқариб кетди. Чунки, зиёрат ва унинг бугунги кундаги кўриниши ўрта асрларда амалга оширилган зиёратдан кескин фарқ қилмоқда. Иккинчидан, "зиёрат" тушунчаси замонавий контекстда кенг фойдаланилмоқда, яъни машҳур инсонлар ҳамда уруш қатнашчилари қабрлари, машҳурларнинг резиденциялари ва уларнинг дафн қилинган жойларини кўриш каби янги анъаналар пайдо бўлмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қабрида бунёд этилган мақбара мисолида кўришимиз мумкин.

Глобализацион жараёнлар зиёрат маросимлари ва уларнинг этноҳудудий

хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида ислом динига кенг эътибор берилиши ва диний эркинликларнинг тикланиши натижасида халқимизнинг зиёратгоҳлардаги маросимлар асл исломга тўғри келмаслиги сабабли ширк амаллар, деб эълон қилинди. Сўнгги йилларда зиёратгоҳларда асосий эътибор диний оятларни тиловат қилиш, фақат Оллоҳдан ният қилиб сўраш, қурбонликларни ҳам Оллоҳ йўлида сўйиш, зиёратгоҳларда намоз ўқиш, эҳсон каби амаллар бажарилмоқда. Зиёрат маросимларидаги айрим ҳолатлар интернет саҳифалари орқали кескин танқидларга сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, зиёрат ва зиёрат маросимлари маълум бир вақт оралигида мавжуд бўлган анъанадир, доимий янгиланиш ҳамда ўзгаришларга эга. Яъни, доимий жараён, давомийлик (эскиларни асраш) ва янгини идрок етиш ўртасидаги мувозанатдир. Тизим ёки структура ушбу жараённинг ички бирлигини акс эттиради, бу эса уни ўз вақтида амалга ошириш ва ўзлигини сақлаб қолиш имконини беради. Зиёратнинг ўз мероси, яъни ўз тарихи, ўтмиши бор ва у ўз тузилишига эга. Зиёрат муайян маросим ҳаракатлари мажмуи билан ажралиб туради. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос мақсад ва вазифаси мавжуд.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Житенёв С. Ю.Религиозное паломничество в христианств е, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. – М.: ИНДРИК, 2012. – С. 7.

2. https://lm.facebook.com/l.php?u=https%3A%2F%2Ft.

3. Гаюпова Ш. Ўзбек менталитетини шакллантиришда муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг ўрни // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2005. – №3. – Б. 150–154.

4. Гольдцигэр И. Культ святых в исламе: Мухамедданские эскизы. – М.: ОГИЗ, 1938. – 180 с.

# TOXARISTONNING ILK O‘RTA ASRLAR DAVRI YODGORLIKLARI ARXEOLOGIK TADQIQOTLARI MASALALARI

**Abulakimova D.- TerDU huzuridagi**
**Akademik litsey o‘qituvchisi**

**Annotatsiya:** Maqolada O‘rta Osiyo qadimgi tarixida muhim o‘rin tutgan Toxaristonning ilk o‘rta asrlar davriga oid arxeologik yodgorliklarda olib borilgan arxeologik qazishmalar tahlil etilgan.

**Kalit so‘zlar:** Toxariston, ilk o‘rta asrlar, arxeologik yodgorliklar, san’at, madaniy va savdo aloqalar.

**Аннотация: В статье анализируются некоторые историографические вопросы раскопок, проведенные на археологических памятниках раннего средневековья в историко-культурном регионе Тохаристана.**

**Ключевые слова: Тохаристан, раннее средневековье, археологические памятники, искусство, культурные и торговые связи.**

O‘ZBEK OILASIDA KELIN TUSHIRISH BILAN BOG‘LIQ UDUMLAR HAMDA MAROSIMLAR....226
O‘ZBEKISTONING JANUBIY HUDUDLARINING IQTISODIY TARAQQIYOTIDA SHAHARLARNING TUTGAN O‘RNI....228
SURXON VOHASI AHOLISINING XO‘JALIK AN’ANALARI BILAN BOG‘LIQ KASB PIRLARIGA BO‘LGAN EHTIROM....231
“ALPOMISH” DOSTONIDA BARCHINOY TIMSOLI....233
ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ТИЛ ЗИКР ВОСИТАСИ СИФАТИДА....236
ГЛОБАЛИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР....239
TOXARISTONNING ILK O‘RTA ASRLAR DAVRI YODGORLIKLARI ARXEOLOGIK TADQIQOTLARI MASALALARI....242

**3-SHO‘BA: VOHA AHOLISINING NOMODDIY MADANIYATIDA AN’ANAVIYLIK VA ZAMONAVIY KO‘RINISHLARI**

MAGTYMGULY PYRAGYNYŇ GOŞGULARYNDA SOPUÇYLYK WE TARYGATYŇ ŞÖHLELENIŞI....250
ФОЛЬКЛОР КАК ВАЖНЫЙ КОМПОНЕНТ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ КАЗАХСКОГО И УЗБЕКСКОГО НАРОДОВ....255
QIPCHOQLARNI FARG‘ONA VODIYSIGA MIGRATSIYASI VA ULARNI XUDUDIY JOYLASHUVI....260
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК....263
XIX ASR VA XX ASR BOSHLARIDA O‘ZBEK AYOLLARINING MILLIY LIBOSLARI TARIXIDAN....270
ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ЙЎЛИДА....274
NAVRO‘Z BAYRAMINING SHAKLLANISH TARIXI VA AN’ANALARI....279
СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЗИРАОТЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ....282
ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ....288
ЭРГАШ ШОИРНИНГ “МАЛИКА АЙЁР”ДА ДЕМОНОЛОГИК ТИМСОЛЛАРНИ ТАСВИРЛАШДАГИ МАҲОРАТИ....293
КАСБИ КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН....298
MADANIY ANTROPOLOGIYADA GASTRONOMIK MAVZU TAHLILI....304
СУРХОН ВОҲАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК ВА ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ЛОКАЛ ЖИҲАТЛАРИ....308
МАХТИМҚУЛИДАН ИЛҲОМ ОЛИБ.......311
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА ДАРВЕШОНА МАРОСИМИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ....315
AHOLI DEMOGRAFIK JARAYONLARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI....318
(XX ASR BOSHLARI. SURXONDARYO VA QASHQADARYO VOHALARI MISOLIDA)....318
O‘ZBEK SHE’RIYATIDA MAXTUMQULI ROLI (Maxtumquli tavalludining 300 yilligiga)....321

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ**
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА**
**ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ**
**РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ**

# ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»

**Халқаро илмий мақолалар тўплами**

# «МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»

**Сборник международных научных статей**

# «MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN IN THE WORLD CIVILIZATION»

**Collection of international scientific articles**

Муҳаррир *Д. Усмонова*
Бадиий муҳаррир *У. Воҳидов*
Техник муҳаррир *У. Воҳидов*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Дўстназарова*
Саҳифаловчи *М. Фозилов*

Нашриёт лицензияси. № 3991
Босишга 07. 05. 2024 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108/32. Ҳажми 6,75 б, т. Адади 100 нусха.
Шартнома № 52. Буюртма № 37.

“Adad Plyus” МЧЖ босмахонаси.
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги "Бойсун баҳори" фольклор фестивалини 2024 йил 1-7 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги №-59 рақамли баённомаси асосида Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш марказида 2024 йил 7-май куни «Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти» халқаро илмий анжумани Термиз шаҳрида ўтказилди.

На основании протокола № 59 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года фольклорный праздник «Бойсун баҳори» 1-7 мая 2024 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области, Сурхандарьинский центр науки и Развитие технологий 7 мая 2024 года в активистском зале города Термез прошла международная научная конференция «Бойсунский материал в мировой цивилизации и духовной культуре».

On the basis of the protocol No. 59 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2022 "Boysun bahori" folk festival on May 1-7, 2024 in Boysun district of Surkhandarya region, Surkhandarya Center for Science and Technology Development On May 7, 2024, an international scientific conference "Boysun material in world civilization and spiritual culture" was held in the activist hall of the city of Termez.